



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3



ТОШКЕНТ-2022

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамова Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети


Толибоева Нодира Одилжоновна
Тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Раҳбархон Муртазаева ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ.....	6
2. Дилором Бобожонова ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ОШИРИШ, СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ.....	17
3. Баҳодир Эшов ҚАДИМГИ ШАҲАРЛАР ШАКЛЛАНИШИНИНГ ТАҲЛИЛЛАРИ.....	26
4. Зумрад Раҳмонкулова МАҲМУД АМИН АФАНДИ “ИСТАНБУЛДАН ЎРТА ОСИЁГА САЁҲАТ”.....	34
5. Манзура Аминова ИБН ХОЛДУН ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ АҲАМИЯТИ.....	41
6. Тўлқин Ахмедов ТУРКИСТОНДА БИРИНЧИ РУС-ТУЗЕМ МАКТАБИ: МАЪМУРИЙ ЭҲТИЁЖ ЁКИ МАДАНИЙ ЯҚИНЛАШУВ ЗАРУРИЯТИ?.....	48
7. Мансур Бойсариев ОЗАРБАЙЖОН ДИАСПОРАСИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ.....	56
8. Фируза Жуманиязова ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА ХОРАЗМ ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИНГ ДАВРИЙ НАШРЛАРДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (1941–1945 йиллар).....	64
9. Мухаммаджон Исамиддинов АНТИК ДАВР ЁЗМА МАНБАЛАРИДА САМАРҚАНД ТАРИХИНИНГ ЁРИТИЛИШИ.....	70
10. Баҳыт Кошанов, Хакимбай Отегенов, Гулчехра Ержанова ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТАРИХШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ.....	79
11. Shohruhbek Mamadaliyev TURKISTON SHAHARALARIDA OCHLARGA YORDAM KOMISSIYASI FAOLIYATI TARIXIDAN.....	87
12. Gulnora Maxkamova XX ASR SAMARQAND KASHTALARI: XILLARI, USLUBLARI, ORNAMENT REPERTUARI (SAMARQAND DAVLAT MUZEYI NAMUNALARI MISOLIDA).....	93
13. Уктамжон Мансуров VI – XI АСРЛАР СУҒД ЁЗМА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАНБА СИФАТИДА ЎРГАНИЛИШИ.....	100
14. Шоназар Матякубов XVI- XVIII- АСРЛАРДА ХИВА ХОНЛИГИ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИНИНГ АСОСИЙ СОҲАЛАРИДАН БИРИ-КУЛОЛЧИЛИК ТУРИ ТАВСИФЛАРИ.....	105

15. Отабек Махмудов «МИЛЛИЙ ТАРИХ» ВА «ТАРИХ ТАЪЛИМИ»ДА «ЖАҲОН ТАРИХИ»НИНГ АҲАМИЯТИ (лотин тилли тарихий манбалар ва замонавий ўзбек илмий адабиётининг қиёсий таҳлили медиевистик талқинда).....	109
16. Sayyora Mirsoatova, Aхrorbek Muxsidinov O‘ZBEKISTONDA MEZOLIT DAVRI YODGORLIKLARINING O‘RGANILISHI HAQIDA.....	122
17. Зухра Ражабова ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ СИЙМОСИННИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ.....	128
18. Мафтуна Рузикулова ФАРҶОНА ВОДИЙСИНИНГ МЕЛИОРАЦИЯ ВА ИРРИГАЦИЯ ИШЛАРИ ТАРИХИДАН (1950 – 1970).....	134
19. Хасанбой Рахматиллаев ҚАДИМГИ ВА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ МУАММОЛАРИ ҲАҚИДА.....	139
20. Lutfiya Salomova AVSTRALIYA MILLIY ARXIVI FAOLIYATI HAQIDA.....	144
21. Наргиза Сейтимбетова ҚОРАҚАЛПОҶИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОЗОҚ МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗИ.....	148
22. Shaxnoza Tursunova O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASINING BENILYUKS DAVLATLARI BILAN XALQARO MUNOSABATLARINI RETROSPEKTIV TAHLILINING AYRIM JIHATLARI.....	156
23. Икромжон Умаров КЎҲИТАНГТОҶ ҚИШЛОҚЛАРИНИНГ ҲУДУД БЎЙЛАБ ЖОЙЛАШУВ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲОЛИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ.....	161
24. Ма’мура Umarxodjayeva, Zilola Shodmonxo`jayeva, Nodira Xasanova O‘ZBEKISTON TARIXI DAVLAT MUZEYINING NOYOB XAZINASIDAN.....	174
25. Санъат Худайбергенов ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	178
26. Ҳабиба Ҳасанова 1917-1924 ЙИЛЛАРДА ТУРКИСТОН МИНТАҚАСИДА БОСМАХОНАЛАРНИНГ ТЕХНИК ҲОЛАТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР.....	186
27. Ра’но Qodirova 1936-1937 YILLARDA O'ZBEKISTON SSR MAKTABLARIDA TARIX FANINING O‘RGANILISHI (M.Asimov hisobot materiallari asosida).....	192


28. Қосим Қосимов ШАРҚИЙ БУХОРОДА ҚИЗИЛ АРМИЯГА ҚАРШИ МИЛЛИЙ ОЗОДЛИК ҲАРАКАТЛАРИ.....	196
29. Ислон Қаршиев МУТАФАККИР СЎФИ ОЛЛОЁР ҚАРАШЛАРИДА ТАСАВВУФИЙ ҒОЯЛАР ТАҲЛИЛИ.....	203
30. Гулжаҳон Шайдуллаева ХАРАППА МАДАНИЯТИ ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ТОПИЛГАН ОКС ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН МОДДИЙ МАНБАЛАР ТАҲЛИЛИДА МАДАНИЙ ВА САВДО АЛОҚАЛАРИ.....	209
31. Fotima Shirinova, Zumrad Kosimova XX ASRNING 20-30-YILLARIDA SOVET HOKIMIYATINING O'ZBEKISTONDA YURITGAN SIYOSATI, UNING MONIYATI VA OQIBATLARI. SIYOSIY QATAG'ONLIK.....	222
32. Юлдаш Юлдашев ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ДАВЛАТ АРХИВИ 555-ФОНДИНИНГ АРХИВ МАНБАШУНОСЛИГИ ТАҲЛИЛИ.....	230
33. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИНИНГ ТАШҚИ САВДО МУНОСАБАТЛАРИ (Дашти қипчоқ мисолида).....	237
34. Акмал Якубов ХИВА ХОНЛИГИ ВА ҚОЗОҚ ЖУЗЛАРИ (ўтроқ ва кўчманчилар ўзаро алоқларининг негизлари).....	246
35. Лазизахон Алиджанова ДИНИЙ ТАЪЛИМОТЛАРДА ТИББИЁТГА ОИД ИЖТИМОИЙ ҚОИДАЛАР ТАҲЛИЛИ.....	256
36. Дилрабо Қурбанова ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИК СИЁСАТИ.....	264
37. Камола Саипова УРУШ ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ БАҒРИКЕНГЛИК КЎРСАТИШИ.....	274
38. Аҳадулла Раҳматуллаев ТУРКИСТОНДАГИ МАҲАЛЛИЙ ЎЛКАШУНОС ВА КОЛЛЕКЦИОНЕРЛАР ФАОЛИЯТИ.....	280
39. Азамат Ктайбеков ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ЎЗГАРИШЛАР (2000-2016).....	288
40. Гулнора Худойберганава “АСКЕТИЗМ” ТУШУНЧАСИ ВА ДИНЛАРДА АСКЕТИК АМАЛИЁТЛАРГА МУНОСАБАТНИНГ ТАҲЛИЛИ.....	293



Санъат Санжарович Худайбергенов,
Урганч давлат университети, мустақил тадқиқотчи
E-mail: xudayberganov.sanat@bk.ru

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ

For citation: San'at S.Xudayberganov, ISSUES OF FOREIGN COOPERATION OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF KHOREZM REGION AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN. Look to the past. 2022, Special issue 3, pp.178-185

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.7485332>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” асосида мамлакатимизда олий таълим соҳасидаги ўзгаришлар, унда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш масалалари Хоразм вилоятидаги олий таълим муассасалари мисолида таҳлил этилган. Бу борада вилоятдаги олий таълим муассасаларининг жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, халқаро ҳамкорлик асосидаги амалга оширган ишлари ва уларнинг натижалари кўриб чиқилиб, олий таълимда халқаро ҳамкорликнинг ўрни ва роли баҳоланади.

Калит сўзлар: олий таълим, Хоразм вилояти, халқаро ҳамкорлик, илмий тадқиқот, халқаро стандартлар, ўқув жараёни, шартнома, академик мобиллик, молиявий мустақиллик.

Санъат Санжарович Худайбергенов,
Ургенчский государственный университет,
независимый исследователь
E-mail: xudayberganov.sanat@bk.ru

ВОПРОСЫ ЗАРУБЕЖНОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЙ ХОРЕЗМСКОЙ ОБЛАСТИ НА НОВОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В данной статье на основе “стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы” анализируются изменения в сфере высшего образования в нашей стране, вопросы развития в ней международного сотрудничества на примере высших учебных заведений Хорезмской области. В этой связи будут рассмотрены усилия высших учебных заведений области по установлению тесного сотрудничества с ведущими мировыми научно-образовательными учреждениями,

проделанная работа и их результаты на основе международного сотрудничества, оценены роль и роль международного сотрудничества в высшем образовании.

Ключевые слова: высшее образование, Хорезмская область, международное сотрудничество, научные исследования, международные стандарты, учебный процесс, контракт, академическая мобильность, финансовая независимость.

San'at S. Xudayberganov

Urganch State University, independent researcher

E-mail: xudayberganov.sanat@bk.ru

ISSUES OF FOREIGN COOPERATION OF HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS OF KHOREZM REGION AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT OF UZBEKISTAN

ABSTRACT

This article analyzes changes in the field of higher education in our country, issues of development of international cooperation in it on the example of higher educational institutions of the Khorezm region on the basis of the “strategy of actions on five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021”. In this regard, the efforts of higher educational institutions of the region to establish close cooperation with the world's leading scientific and educational institutions, the work done and their results on the basis of international cooperation will be reviewed, the role and role of international cooperation in higher education will be evaluated.

Index Terms: higher education, Khorezm region, international cooperation, scientific research, international standards, educational process, contract, academic mobility, financial independence.

Кириш ва долзарблиги:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев давлатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида “мамлакат тараққиётининг мақсади Учинчи Ренессанс бўлиши лозимлиги ҳамда ҳозирда дунёда кечаётган шиддатли рақобатга фақат замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этиш орқали муносиб жавоб бера олишимиз мумкинлигини” алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар [1]. Қайд этиш зарурки, Президентимиз томонидан илгари сурилган бу эзгу саъй ҳаракатлар тараққиётнинг ҳозирги босқичида миллий ғоямизнинг янги ва аниқлаштирилган мазмунини ифодалаб бермоқда.

Бугун мамлакатимизда барча соҳалар каби илм-фан, таълим ва тарбия соҳаси ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Замонавий ахборот технологиялари марказлари, кутубхоналар ва бошқа билим даргоҳлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Олий таълимни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, мамлакатимиздаги таълим даргоҳларини энг замонавий талаблар асосида модернизация қилиш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” [2] ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

Илм-фан ва таълим-тарбия масаласи нафақат маънавий, сиёсий ва иқтисодий тараққиёт омили, балки халқаро муносабатлар воситаси ҳам ҳисобланади. Бу босқичда ёшларни юқори малакали мутахассислар сифатида шакллантириш ва тарбиялаш, ёшларнинг истиқболли илмий йўналишларида ахборот алмашиши, уларнинг ўз салоҳиятларини юзага чиқариш борасидаги ўзаро ҳамкорлик асослари илм-фан ва олий таълимни янада ривожлантиришнинг асосий омилларидан биридир.

Олий таълим соҳасидаги ислоҳотларда қамров даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида юқори малакали, креатив ва тизимли фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда соҳада хорижий ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилмоқда. Бунинг натижасида таълим сифати ва кадрлар салоҳияти бир қадар юксалишига эришилди. Хусусан, бугунги

кунда Хоразм вилоятида жойлашган олий таълим муассасалари ҳам таълимда халқаро ҳамкорликни жадал ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда.

Методлар ва ўрганилиш даражаси:

Ўзбекистон Республикасининг олий таълим соҳасида хорижий давлатлар билан ҳамкорликнинг умумий масалалари Э.З.Нуриддинов, Л.С.Худайкулова ва А.В.Султанов диссертацияларида маълум даражада таҳлил қилинган [3,4,5].

Мустақил Ўзбекистон тарихшунослигида вилоятлар тарихи алоҳида тадқиқот объекти сифатида кам ўрганилган. Жумладан, Хоразм вилоятининг мазкур даври тарихи хусусан, олий таълимнинг ривожланиш масаласи алоҳида, яхлит тадқиқот иши сифатида тўлиқ ўрганилмаган. Ўзбекистонда, шу жумладан, Хоразмда олий таълим тизимининг ривожланишидаги янги босқич, 2017 йилдан ҳозиргача бўлган даврдаги жараёнларни Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг асарлари, давлат ҳокимияти органларининг қабул қилинган меърий-ҳуқуқий ҳужжатларини муҳим манбалар сифатида кўрсатиш мумкин.

Мавзуга оид айрим масалалар тадқиқотчилардан Ф.Атажанова, З.Ражабова, О.Шихов, О.Вайсов ва бошқаларнинг ишларида қисман ёритилиб ўтилган. Уларда Хоразм вилоятидаги ислохотлар, ижтимоий-маънавий ўзгаришлар доирасида олий таълим муассасаларининг халқаро алоқаларининг айрим жиҳатлари ҳақида сўз юритилган. Шунингдек, вилоятдаги олий таълим муассасаларнинг жорий архив маълумотлари асосий манбаа сифатида фойдаланилди.

Ушбу мақолада тарихийлик тамойили, тавсифлаш, шунингдек, қиёсий таҳлил методларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари:

Сўнгги 5 йил ичида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар туфайли аҳолини олий таълим билан қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 28 фоизга етди [6, С.106]. Бу кўрсаткични 2030 йилгача 50 фоизга кўтариш давлат сиёсатининг муҳим вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Биргина Хоразм вилоятида аҳолини олий таълим билан қамраб олиш даражасини таҳлил қиладиган бўлсак, 2010 йилда вилоятда 3 та олий ўқув юрти фаолият юритган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 8 тага етди. Улардан 5 таси давлат олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари ҳиссасига тўғри келса, 2 та нодавлат ва 1 та хорижий университетнинг филиали фаолият юритмоқда. Вилоятда олий таълим муассасаларига қабул квоталари ҳам охириги 5 йилда сезиларли даражада ошди ва бу жараён давом этмоқда. Жумладан, 2020 йилда 6,9 минг абитурентлар ўқишга қабул қилинган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилда 7,3 мингга ташкил этган [7, Б. 68].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли Қарори [8] қабул қилиниб, унда ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Бунинг натижасида 2021 йилда республикаимиз бўйлаб “Эл-юрт умиди” жамғармаси ҳамда олий таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлик ва грант дастурлари доирасида 1345 нафар профессор-ўқитувчи хорижий олий таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасаларига малака ошириш ва стажировка ўташ учун юборилди. Уларнинг 579 нафари Европа, 172 нафари Америка, 82 нафари Осиё, 512 нафари МДҲ мамлакатларида таҳсил олмоқда. Олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2021 йилда 1793 нафар хорижлик мутахассис маҳаллий ўқув жараёнига жалб қилинган бўлиб, уларнинг 481 нафари Европа, 97 нафари Америка, 263 нафари Осиё, 952 нафари МДҲ мамлакатлари профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассисларидир [9]. Бу борада Хоразм вилоятидаги олий таълим муассасаларининг ҳам ўрни катта дейиш мумкин.

Вилоятдаги қамров даражаси ва салоҳияти нуқтаи назаридан республикадаги етакчи олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланадиган Урганч давлат университетида бугунги кунда жаҳоннинг етакчи олий ва илмий тадқиқот муассасалари билан икки томонлама

манфаатли шартномалар ва кўшма таълим дастурлари амалга оширилмоқда. Хусусан, университет хорижий олий таълим муассасалари билан таълим ва илмий соҳада ҳамкорлик алоқалар географиясини кенгайтириш мақсадида 30 та мамлакатнинг нуфузли 83 та олий таълим муассасалари билан шартнома имзолаган. Университетда 2016-2021 йилар давомида илмий тадқиқотлар ва таълимга йўналтирилган 25 та халқаро лойиҳалар амалга оширилди.

2017 йилда университетнинг жами 17 нафар профессор-ўқитувчи ва катта илмий ходим, магистрлари Истеъдод жамғармаси танловларида қатнашиб совриндор бўлганлар ва АҚШ, Германия, Япония, Испания, Португалия, Корея, Россия каби мамлакатларнинг нуфузли университетларига малака ошириш, стажировка ва илмий -тадқиқот ишларини бажариш учун юборилди [10].

2017 йилда университетда янги “Математик инжиниринг” магистратура мутахассислиги очилди. Марказий Осиё давлатларида мавжуд бўлмаган ушбу мутахассислик ЕРАСМУС+ дастури асосида “ЕССUM” лойиҳаси доирасида Европанинг ҳамкор университетлари билан биргаликда амалга оширилди. Лойиҳа доирасида ҳисоблаш маркази учун кенг имкониятли компьютер кластерлари, магистрант талабалар фойдаланиши учун шахсий компьютерлар, лойиҳа ҳужжатларини юритиш учун зарур принтер, скайнер, нусха кўчириш қурилмаси, ноутбуклар, видео конференция қурилмаси, жами миқдори 37 950 евро бўлган ускуналар келтирилди [10].

2018 йилда Эрасмус+ дастури доирасида қиймати 761450 евро бўлган грант лойиҳаси қўлга киритилди, бундан ташқари 2017-2020 йилларга мўлжалланган, умумий бюджети 911576 евро (УрДУ учун 130205 евро)га тенг бўлган Эрасмус+ халқаро гранти «Марказий Осиёда Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш: Табиий офатлар рискини фазовий технологиялардан фойдаланиб бошқариш» лойиҳаси ютиб олинди [11].

2019-2020 ўқув йилида университетда Испаниянинг Сантьяго де Компостелла университети ҳамкорлигида Эрасмус+ Олий таълимда салоҳиятни ошириш лойиҳаси асосида “Компьютер лингвистикаси” магистратура мутахассислиги очилди ва унга 6 нафар талаба қабул қилинди [12].

Ўқув жараёнларига Россия, АҚШ, Словения, Эрон ва Беларус Республикасининг олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари жалб қилинмоқда. 2021 йилда университетнинг 40 нафар талабаси АҚШ, Полша, Руминия, Германия ва Словакия давлатларининг олий таълим муассасаларида талаба алмашинуви дастурларида иштирок этди [13, Б. 6.].

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, агар университет 2016 йилда Европа иттифоқининг Эрасмус + дастурининг 3 та олий таълимда салоҳиятни ошириш ва иккита халқаро кредит мобиллиги лойиҳалари фаолият олиб борган бўлса, ҳозирги кунда бу йўналишларда тузилган шартномалар сони 63 тага етган. Шунингдек, 2016 йилда университетнинг 16 нафар профессор-ўқитувчилари ва раҳбар ходимлари хорижий давлатлар олий таълим муассасаларида малака ошириб, тажриба алмашиб қайтган бўлсалар, бу кўрсаткич 2017 йилда 30 нафарни ташкил қилиб, қарийб 50 фоизга ошган. Шу йили университет ўқитувчилари DAAD (German Academic Exchange Service) лойиҳаси доирасида Германиянинг Байройт (Bayreuth) университетида илмий изланиш олиб бордилар. Шунингдек, университетнинг “Амалий математика” кафедраси ўқитувчиси Низомжон Жуманиязов Испаниянинг Сантьяго де Компостела университетида PhD даражасини муваффақиятли ҳимоя қилиб қайтди. [14]

2018 йил 26-30 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар Академияси ва Ўзбекистон математика жамияти ҳамкорлигида Ал-Хоразмий халқаро олимпиадасига университет мезбонлик қилди. Халқаро олимпиадада 20 та мамлакатнинг 58 та университетида 334 нафар талабалар қатнашди. Олимпиада натижаларига кўра 14 нафар қатнашувчи олтин медаль, 23 нафар қатнашувчи кумуш медаль, 29 нафар қатнашувчи бронза медаль ва колган қатнашувчилар фахрий ёрлик ва сертификатлар билан тақдирландилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги “Математика таълими ва фанларни янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [15] ҳамда 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [16] қарорлари математика соҳасини янги босқичга олиб чиқишга замин яратади.

Шу ўринда Урганч давлат университети томонидан мамлакатимизда математика соҳасига жаҳон тажрибаси қўллаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2021 йилнинг 26 октябридан – 6 ноябрига қадар университетда “Комплекс анализ, геометрия ва динамика” мавзусида халқаро мактаб конференцияси бўлиб ўтди. 2022 йилнинг июль ойида АҚШ ва Европанинг нуфузли олий таълим муассасалари, Халқаро назарий ва амалий математика маркази ҳамда халқаро математиклар уюшмаси, Рим рақамлари назарияси асосидаги билан ҳамкорликда халқаро ёзги мактаб ташкил этилди. Ушбу ёзги мактаб бобоколониимиз Ал-Хоразмий асос солган сонлар назарияси фан йўналишининг “Панжаралар, диофант яқинлашишлар ва баландликлар” мавзусига, сонлар назариясининг бугунгача бўлган тараққиёт босқичлари ва замонавий масалаларига бағишланди [17, Б. 4].

2022 йил 16 феврал куни Буюк Британиянинг нуфузли рейтинг ташкилоти – “Times Higher Education” агентлиги 2022 йилги рейтинг натижаларини эълон қилди. Рейтинг натижасига кўра, республикадаги 4 та олий таълим муассасаси илк бор янги турдаги мақом — “Reporter” университетлар қаторида эътироф этилди. Ушбу мақомга Урганч давлат университети ҳам киритилган бўлиб, университет дунёнинг нуфузли университетлари рейтингига кириш учун номзод сифатида яна бир катта қадамни кўйди [18].

Вилоятдаги олий таълим соҳасидаги ютуқларда тиббиёт ходимларини тайёрлаб бераётган Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали ҳам ўз ўрни бор. Филиал 1992 йил 2 сентябрда ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги қарорига [19] асосан Урганч Давлат университети таркибига “Тиббиёт маркази” мақомида қўшилган. Республика ҳукуматининг 1998 йил 3 июндаги қарорига [20] асосан Урганч давлат университетининг “Тиббиёт маркази” қайтадан мустақил олий ўқув юрти масканига айлантирилди ва унга I–Тошкент Давлат тиббиёт институти Урганч филиали мақоми берилди. 2005 йилдан бошлаб олий ўқув даргоҳи Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали сифатида қайта ташкил этилган.

Ҳозирги кунда ТТА Урганч филиалида дунёнинг 10 та давлатларидан 20 га яқин университетлари, илмий-тадқиқот марказлари, халқаро госпиталлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Олий таълим соҳасида дунё университетлари рейтингларида энг нуфузли ўринларда бўлган университетлар билан ҳам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Дунёнинг Ҳиндистон, Покистон Ислон Республикаси, Туркменистон, Қирғизистон, Россия Федерацияси, АҚШ, Шри-Ланка, Саудия Арабистони, Афғонистон каби давлатларидан 600 нафардан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Россия Федерациясининг Приволжск тадқиқот тиббиёт университети билан 2 та “Даволаш иши” ва “Фармация” йўналишларида 3+3 ва 3+2 қўшма дастурлари бўйича 108 нафар, Қозон Федерал университети билан ҳамкорликда тиббий биология йўналишида қўшма дастур бўйича 37 нафар талаба таҳсил олмоқда [21, Б. 26.].

Филиал ташаббуси билан 2022 йилнинг июнь ойида Истанбул Медипол университети олимлари билан ҳамкорликда Symposium on Parkinson's Disease and Neurosurgery Treatment in Movement Disorders мавзусида халқаро анжуман ўтказилди.

Биргина жорий йилнинг ўзида филиалнинг профессор ўқитувчилари Россия Федерациясининг Приволжск тадқиқот-тиббиёт университети, Волгоград давлат тиббиёт университети, Санкт Петербург шаҳридаги Д.О.Отта номидаги Акушерлик, гинекология ва репродуктология илмий марказида малака ошириб келдилар. Филиал хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда дарслик, ўқув қўлланмалар яратилиши фаолиятини яхшилаш мақсадида Россия Федерацияси Москва шаҳридаги GEOTAR-MEDIA нашриёти билан келишувга эришилди [22].

Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги ТАТУ Урганч филиалининг сўнгги 5 йилдаги хорижий ҳамкорлик алоқалари таҳлили шуни кўрсатадики, филиал 2019 йилда 3 та халқаро лойиҳаларда иштирок қилган бўлса, 2020 йила 2 та ана шундай лойиҳаларда қатнашган. Ҳозирда биргина Эрасмус+ грант дастури асосидаги 2 та лойиҳада қатнашмоқда. Бундан ташқари, Литванинг Вилнюс университети билан ҳамкорликда Эрасмус плуснинг халқаро кредит мобилиллиги йўналишида ҳам 1 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган. Шунингдек, “Эл-юрт умиди” грант дастурлари асосида Финландиянинг Шарқий Финландия университети, Испаниянинг Сантьяго де-Компостела (УСС) университетига филиал профессор-ўқитувчилари докторантура ва илмий стажировкаларга юборилмоқда. 2022 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича филиал халқаро 17 та олий ва илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатган. Филиал профессор-ўқитувчилари хорижда илмий ишларини муваффақиятли ҳимоя қилиб қайтмоқдалар. Бунга мисол тариқасида филиалнинг “Дастурий инжиниринг” кафедраси ўқитувчиси Қуръзов Дилшод Германиянинг Олдинбург университетининг профессори Андреас Винтер (Winter, Andreas) раҳбарлигида ҳимоя қилган “Software model version control and collaboration” мавзусидаги диссертация ишини келтириш мумкин.

Филиалда 2019 йилда Беларусия давлат Информатика ва радиоэлектроника университети билан ҳамкорликда кўшма факултет ташкил қилинди [23]. 2020 йил феврал-март ойларида Германиянинг Олденбург университети билан имзоланган меморандумга асосан дастурий инжиниринг кафедраси ассистенти Артиков Музаффар Германиянинг Олденбург университетида малака оширди [24].

Филиалда 2022 йилнинг 29-30 апрел кунлари “Ахборот технологиялари, тармоқлар ва телкоммуникациялар” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Мазкур илмий-амалий анжуманда нуфузли хорижий университетлар, илмий-тадқиқот муассасалари, миллий университетлар вакиллари анъанавий ва онлайн тарзда иштирок қилдилар.

Хулосалар:

2017-2021 йилларда мамлакатимизда олий таълим соҳасини ислоҳ қилиш ишларига жиддий эътибор қаратилди. Олдинги йилларда эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган ҳатоларни таҳлил қилиш натижасида янги вазифалар ва уларни ҳал қилишнинг дастурлари ишлаб чиқилди. Бунинг натижасида республикада, хусусан Хоразм вилоятидаги олий таълим даргоҳларида таълим сифатини ошириш ва хорижий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш имкониятлари яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясининг амалиётга жорий этилиши соҳадаги тараққиётни янги босқичга олиб чиқишда муҳим ташкилий-ҳуқуқий ҳужжат сифати эътироф қилиш мумкин. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сонли қарори [25] молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан академик мобилликни амалга оширишга имконият яратди. Бу эса молиявий мустақилликка эришган ОТМлар қаторидан ўрин олган Урганч давлат университетининг халқаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда вилоятдаги хусусий олий таълим муассасалари ва янги ташкил этилган Урганч давлат педагогик институти ҳам келгусида таълимда хорижий ҳамкорликни кучайтириш борасида зарурий чора-тадбирларни ишлаб чиқмоқда. Белгиланаётган режалар вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Мирзиёев.Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 29 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2020 йил 31 август. (Mirziyoev

- Sh. M. speech at the solemn ceremony dedicated to the 29th anniversary of independence of the Republic of Uzbekistan // Narodnoe slovo, August 31, 2020).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли фармони. <https://lex.uz/uz/docs/4545884> (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 8, 2019 PF-5847 "On approval of the concept of development of the higher education system of the Republic of Uzbekistan until 2030". <https://lex.uz/uz/docs/4545884>)
 3. Нуриддинов Э.З. Международное сотрудничество Узбекистана со странами Европы в условиях независимости: становление, развитие проблемы: Автореф. дис...докт.ист.наук. – Ташкент: ИИАНРУз, 2000. – 58 с. (Noriddinov E.Z. International cooperation of Uzbekistan with European countries in the conditions of independence: formation, development of the problem: abstract. dis....Doctor of Historical Sciences. – T.: 2000. - 58 p)
 4. Худайкулова Л.С. Интеграция Узбекистана в мировое сообщество на примере сотрудничества с Европейским союзом 1991-1999 (Программа ТАСИС ТЕМПУС): Автореф. дис... канд.ист.наук. – Т.: Университет, 2002. – 28 с. (Xudaykulova L.S. Integration of Uzbekistan into the world community on the example of cooperation with the European Union 1991-1999 (software based TEMPUS): abstract. dis.... Candidate of Technical Sciences... village of ist.nauk. - T.: University, 2002. - 28 p)
 5. Султанов А.В. История сотрудничества Узбекистана со странами Европы в гуманитарной сфере 1991-2001 гг.: Автореф. дис...канд.ист.наук. – Т.: Университет, 2006. – 30 с. (Sultanov A.V. The history of Uzbekistan's cooperation with European countries in the humanitarian sphere 1991-2001: abstract. dis....Candidate of Historical Sciences. - T.: University, 2006. - 30 p.)
 6. Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши буйича Ҳаракатлар стратегияси натижалари Factbook [Матн]: бюллетень. Т: Baktria press, 2021.-Б. 106.(Results of the implementation of the action strategy on the five priority areas of development of Uzbekistan for 2017-2021 [text]: Newsletter. T: Baktria Press, 2021.-B. 106.)
 7. Ўзбекистон хуудларининг йиллик статистик тўплами. Т.: 2022. (Annual Statistical Collection of regions of Uzbekistan. T.: 2022.)
 8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли Қарори. (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated April 20, 2017 No. 2909 PP "On measures for the further development of the higher education system".)
 9. Тошқулов А.Ҳ. Олий таълим: юксалиш йўлидаги муҳим кадамлар // Янги Ўзбекистон, 2021 йил 31 декабрь. (Tashkulov A.H. Higher education: important steps towards growth // New Uzbekistan, December 31, 2021.)
 10. Урганч давлат университети халқаро бўлими жорий архив маълумотлари (ХБЖА УрДУ). Урганч давлат университетида 2017 йилда эришилган ютуқлар. Тақдимот. Урганч, 2018. (Information from the current archive of the International Department of Urgench State University (CAID UrSU) Achievements in 2017 at Urgench State University. Presentation. Urgench, 2018.)
 11. УрДУХБЖА. Урганч давлат университетида 2018 йилда эришилган ютуқлар. Тақдимот. Урганч, 2019. (CAID UrSU. Achievements at Urgench State University in 2018. Presentation. Urgench, 2019.)
 12. УрДУХБЖА. Урганч давлат университетида 2019 йилда эришилган ютуқлар. Тақдимот. Урганч, 2020. (CAID UrSU. Achievements at Urgench State University in 2019. Presentation. Urgench, 2020.)
 13. Абдуллаев Б.И. Имконият ва ташаббусилар самараси // Ҳуррият газетаси, 2022 йил 6 май. (Abdullaev B.I. Fruits of opportunities and initiatives // Hurriyat newspaper, May 6, 2022ю)
 14. УрДУХБЖА. 2016, 2017 йиллар ҳисоблари.(CAID UrSU. Accounts for 2016, 2017.)

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги “Математика таълими ва фанларни янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4387-сонли қарори. (State support of the President of the Republic of Uzbekistan for the further development of mathematical education and natural sciences on July 9, 2019, as well as the V Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.I.Resolution PP-4387 "On measures to radically improve the activities of the Institute of Mathematics named after Romanovsky".)
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 майдаги “Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4708-сон. (PP-4708 of the President of the Republic of Uzbekistan dated May 7, 2020 "On measures to improve the quality of education in mathematics and the development of scientific research.)
17. Абдуллаев Б.И. Тараққиётнинг энг муҳим нуқталари // Халқ сўзи газетаси. 2022 йил 28 сентябрь. (Abdullaev B.I. The most important moments of progress // Newspaper "Xalq so‘zi". September 28, 2022.)
18. Урганч давлат университети халқаро ҳамкорлик алоқалари бўлими жорий маълумотлари. 2022 йил. (Information from the current archive of the International Department of Urgench State University. 2022.)
19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995-йил 31-майдаги 211-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” қарори. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 211 dated May 31, 1995 "On improving the system of higher educational institutions of the Republic of Uzbekistan".)
20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 3 июндаги 239 сонли “Қорақалпоғистон ва Урганч давлат университетларининг Тиббиёт факультетларини ҳамда Фарғона давлат университетининг Тиббиёт марказини қайта ташкил этиш тўғрисида”ги қарори. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated June 3, 1998 No. 239 "On the reorganization of the medical faculties of Karakalpakstan and Urgench State Universities and the Medical Center of Ferghana State University".)
21. Тошкент Тиббиёт академияси Урганч филиалининг 30 йиллик алманахи. Урганч, 2022. (The 30-year almanac of the Urgench branch of the Tashkent Medical Academy. Urgench, 2022.)
22. Тошкент Тиббиёт академияси Урганч филиали Халқаро ҳамкорлик алоқалари бўлимининг жорий маълумотлари. 2022 йил. (Information from the current archive of the Department of International Cooperation of the Urgench branch of the Tashkent Medical Academy. 2022.)
23. Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали Халқаро ҳамкорлик алоқалари бўлимининг жорий маълумотлари. 2019 йил. (Information from the current archive of the Department of International Cooperation of the Urgench branch of the Tashkent University of Information Technologies. 2019.)
24. Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали Халқаро ҳамкорлик алоқалари бўлимининг жорий маълумотлари. 2020 йил. (Information from the current archive of the Department of International Cooperation of the Urgench branch of the Tashkent University of Information Technologies. 2020.)
25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/5793261> (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 60 dated December 24, 2021 "On additional measures to ensure the academic and organizational and managerial independence of state higher educational institutions". <https://lex.uz/docs/5793261>.)

ЎТМИШГА НАЗАР

3 МАХСУС СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 3

LOOK TO THE PAST
SPECIAL ISSUE 3

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000